O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 7 октябрь, № 195 (4858) Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **104-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмнинг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача» ва «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар тегишинча «бир бараваридан уч бараваригача» ва «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг санкциясидаги «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача» ва «уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар тегишинча «беш бараваридан етти бараваригача» ва «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 6 октябрь
№ ЎРҚ–227



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари томонидан "ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари" мавзуига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Айтиш жоизки, одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиқадиган касаллик, яъни ОИВ инфекцияси бугунги кунда барча мамлакатлар учун глобал муаммога айланган. Унинг салбий таъсири соғлиқни сақлаш тизимигагина эмас, балки давлатларнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигига ҳам жиддий рахна солмоқда.

Шу боис давра суҳбатида мазкур касалликнинг олдини олиш борасида республикамизда тизимли ишлар амалга оширилаётгани ва соҳадаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солингани қайд этилди. Хусусан, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

ёшларнинг бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда

Мамлакатимизнинг порлоқ келажаги — ёшлар қўлида. Навқирон йигит-қизлар Президентимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликлардан баҳраманд бўлган ҳолда, ҳаётга комил ишонч, теран тафаккур билан боқмоқдалар.

Зеро, ўн саккиз йил наридаги ёшлар билан ҳозирги авлод ўртасида катта фарқ мавжуд. Аввалари қишлоқ боласининг ҳозиргидай бекаму кўст шарт-шароитлар муҳайё қилинган ўқув масканларида таълим-тарбия олиши тасаввур доирасига сиғмасди. Спортчи чемпионларнинг чиқиши амри маҳол эди. Ёшларнинг ўқиш билан бирга, касб-ҳунар ўрганиши, иқтидорини намоён этиши,

Фахр

тадбиркорлик билан шуғулланиши эътибордан четда эди.

Болалиги ўйдим-чуқур, қинғир-қийшиқ тупроқли кўчаларда ўтган, тошфонар ёруғида дарс тайёрлаб, мактаб аталмиш пасқам, файзи кетган биноларнинг нимқоронғи, зах синф хоналарида билим олган авлод бугун унчамунча кошоналардан қолишмайдиган маҳобатли ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган истиқлол фарзандларига ҳавас билан боқиб, бахтли қунлар учун шукрона айтишмоқда. Ҳатто, олис қишлоқларда очилган Ёшлар марказларида ўзи ёқтирган машғулотлар билан шуғулланаётган йигит-қизлар кенг илму тафаккур ва ҳунар соҳиби бўлиб етишмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ЖАҲОН ХАРИДОР

Жорий йилнинг 14-15 октябрь кунлари Тошкентда V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. У йилнинг энг қулай вақтида — пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилаётгани билан эътиборга молик. Бу ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун ҳам бирдек манфаатлидир. Шу боис мазкур тадбирда дунёнинг кўплаб давлатларидан юзлаб трейдерлар қатнашиш истагини билдирган.

Дарҳақиқат, жаҳон бозоридаги кескин рақобатга қарамай, ўзбек толаси тобора харидоргир бўлиб бораётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки заминимизда етиштирилган "оқ олтин" саноатбопдир. Гап шундаки, унинг ранги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва микронейр кўрсаткичлари халқаро стандартларга тўла мос келади. Бунга мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли эришилди.

Сирасини айтганда, бугун мамлакатимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув бутунлай ўзгарган. Хусусан, тармоқдаги ютуқлар илгаригидек, рақамлар билан эмас, кўриладиган соф фойда салмоғи билан ўлчанади. Бу маҳсулот сифатига, ўз навбатида, ғўза навига бориб тақалади. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ селекциячи олимлар зиммасига тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, юқори сифатли ҳосил берадиган ғўза навларини яратишдек масъулиятли вазифа қўйилганининг сабаби шунда. Ҳозирда асосий майдонларда шундай талабларга мос келадиган "С-6524", "Бухоро-6", "Наманган-77", "Омад", "Бухоро-102", "Бухоро-8" ва "Андижон-35" сингари навлар такомиллаштирилган технологиялар асосида парваришланмоқда.

Юртимиз далаларида етиштирилаётган пахта хом ашёси сифат кўрсаткичлари бўйича дунё тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб беради: эртапишар, тола чиқиши ниҳоятда юқори. Бундай толани, айниқса, тўқимачилик саноати ривожланаётган давлатлар харид қилишдан умидвор. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси улар учун катта имкониятдир. Чунки ярмарка давомида нафақат юртимиз пахтачилик саноати билан яқиндан танишиш, балки бир пайтнинг ўзида биржа савдоларида иштирок этиб, пахта толасини етиштириб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконияти ҳам мавжуд.

V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида савдолар "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан 2009 йил пахта ҳосилидан тайёрланган тола намуналари асосида амалга оширилади.

— Жаҳон бозорида халқаро андозаларга жавоб берадиган ўрта толали пахтага талаб жуда юқори, — дейди "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Эркин Мақсудов. — Республикамизда ана шундай пахта етиштирилаётир. Шу мақсадда фермер ва пахтакорларга тегишли услубий ёрдам кўрсатилиб, уларни ўқитиш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Шу билан бирга, ҳосилни пахта заводларида сифатли қайта ишлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда пахта толасини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида мустақил равишда ҳамда мажбурий сертификатлаш тизими жорий этилгани ўзбек толасининг рақобатбардошлигини оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал Жамғарма Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида самарали амалга оширилаётган тадбирларни юксак баҳолайди.

Битим имзоланди

Ушбу жамғарма томонидан Ўзбекистонга "Сил" компоненти бўйича қиймати 50,6 млн. АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиши маъқулланди.

Беш йиллик муддатга (2010-2014 йиллар) ажратилган грант доирасида юқори сифатли диагностикадан фойдаланиш имкониятларини, силга чалинганларни даволаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Лойиҳанинг 2011 йилнинг 31 декабригача давом этадиган, қиймати 12 миллион 98 минг АҚШ долларига тенг биринчи босқичи учун грант битими имзоланди, иккинчи босқич эса 2014 йилгача амалга оширилади.

(ЎзА).

УРГАНЧ. "Хоразмхолд" хусусий корхонаси раҳбари Ғайратбек Каримов банкротликка учраган "Урганч сутни қайта ишлаш" корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.

Кредит — қайта ишлашни ривожлантиришга

Тадбиркор банкдан олган кредит ҳисобига бу ерга хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда корхонада кунига 2 тонна сут қайта ишланмоқда. Эътиборлиси, янги технологик линия ишга туширилиши билан 15 киши доимий иш жойига эга бўлди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ. "Жиззахгазтаъминот" унитар корхонаси куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш арафасида.

Қишки мавсумда муаммо бўлмайди

Корхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан мавжуд газ узатиш, тақсимлаш тармоқлари, шунингдек, муҳандислик иншоотлари деярли таъмирлаб бўлинди. 3 минг 375 та газ тақсимлаш пункти техник кўрикдан ўтказилиб, улардан 12 таси тўлиқ янгиланди. Кўрикдан ўтказилган 112 километрдан зиёд газ узатиш тармоқларида аниқланган носозликлар бартараф этилди.

Эндиликда жиззахлик газчилар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам кузги-қишки мавсумда муаммо туғилмайди.

С. ҲАКИМОВА.

БУХОРО вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилаяпти.

Қишлоқларда зилол сув

Жорий йил бошидан буён вилоятдаги 20 та қишлоққа қувур тортилиб, хонадонларга тоза ичимлик суви кириб борди. Бунинг учун эса 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТИББИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Uzmedexpo-2009" иккинчи ихтисослашган халқаро тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир "IEG Uzbekistan" кўргазмалар компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида ташкил этилди.

«Uzmedexpo-2009»

Таъкидланганидек, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар эл саломатлигини асраш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига юксак эътибор қаратилмоқда, бунинг натижасида жойлардаги шифо масканлари замонавий кўриниш ҳамда қулай шарт-шароитларга эга бўлиб, аҳолининг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётир. Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда ихтисослашган тиббий муассасалар фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, шифо масканларида хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Хусусан, бугун энг сўнгги тиббий ускуналар, замонавий ташхис жиҳозлари билан таъминланган тиббиёт муассасаларида турли хасталикларнинг олдини олиш, айниқса, она ва бола саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган касалликларни барвақт аниқлаб, зарур тадбирларни қўллаш имкони мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани соҳадаги ислоҳотларнинг энг муҳим босқичларидан бўлди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши анча камайди.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик даврида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар изчил модернизация қилиниши натижасида юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакланди. Ана шу тамойиллар асосида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари жамиятни демократлаштириш жараёнида фаол қатнашмоқдалар.

ИШОНЧ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Маҳаллий Кенгашларда

Узоққа бормайлик. Шу йилнинг бошида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессияси бўлиб ўтган эди. Унда маҳаллий Кенгашларнинг қонунлар тарғиботи ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширган ишлари муҳокама қилинди. Дарвоқе, ушбу анжумандан сал илгарироқ 7 нафар депутатдан иборат ишчи гуруҳи шаҳар кенгашлари ва уларнинг қошидаги доимий комиссиялар фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиқди. Анжуманда ана шу таҳлил натижалари муҳокама қилинди.

Аниқланишича, айрим ҳолларда сайловчи сессия материалларидан бехабар қолган, баъзида тегишли қарорлар мутасадди ташкилотга етказилмаган. Доимий комиссиялар аксарият ҳолларда қонунларни тарғиб қилиш ўрнига хўжалик масалалари муҳокамаси билан кифояланиб қолган. Шу боис ушбу ҳолатлар юзасидан кенгашлар ва доимий комиссиялар раислари олдига жиддий вазифалар қўйилди.

Аниқроқ айтганда, уларнинг зиммасига қонун тарғиботини кучайтириш, сессия ва доимий комиссияларда кўриб чиқилган масалалар юзасидан аҳолини ўз вақтида бохабар қилиш вазифалари юклатилди. Айтиш лозимки, ушбу долзарб вазифаларнинг доимий комиссиялар раисларига топширилиши депутатлар фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, доимий комиссиямиз аъзолари жойларда бир қатор учрашув ва суҳбатлар ўтказди. Уларда, асосан, қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида аҳолига тушунтириш берилди. Масалан, Пахтачи туманидаги Қарнабота, Арбоб ва Хумор қишлоқларида ўтказилган учрашувларда фуқаролик жамияти ва сайлов қонунчилиги ҳақида сўз юритилди.

Ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида сайловчининг сиёсий онги ва савияси ошиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Бугунги кун сайловчиси ўн беш-йигирма йил аввалги сайловчидан тубдан фарқ қилади. Айтайлик, сайловчиларимиз эндиликда мактаб фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, маҳаллаларда маърифат соатларини уюштириш, кўчма китоб дўконларини йўлга қўйиш, ижтимоий-сиёсий адабиётларни арзон нархларда етказиб бериш каби жиддий масалаларни ўртага ташламоқдалар.

— Тилимизда "Уй бекаси" деган ибора бор, — дейди фермер Фотима Тўхтапўлатова. — Одатда, меҳнат дафтарчаси бўлмаган аёлларга шу мақом қўлланилади. Шу ўринда оқилона ҳисоблаб кўрайлик, у оилада қанча иш бажараяпти? Шу хизмати орқали оиласига қанча даромад келтирмоқда? Масалан, шахсий томорқада амалга ошираётган хизматлари-чи? Шу маънода, бекаларга оиланинг умумий даромадидан келиб чиққан ҳолда меҳнат дафтарчаси очилса, назаримизда, адолатли бўлар эди...

Бундай таклиф ва мулоҳазалар барча учрашувларда айтилмоқда. Комиссиямиз аъзолари — Яхшинор Аллаёров, Ўктам Саидмуродов, Толиб Абдураҳмонов ва Мунаввара Ўринова каби депутатлар ўтказган учрашувлар ҳам шундай фикр-мулоҳаза ва қизиқарли таклифларга бойлиги билан ёдда қолди.

Яна бир гап. Гарчи, сайлов даврий тадбир ҳисобланса-да, унга тайёргарлик кўриш доимий жараёндир. Албатта, бунда депутатнинг ташкилотчилиги ва билими қўл келади. Шу боис доимий комиссиямизда депутатлар ҳисоботи тингланиб, уларнинг сайловчилар билан алоқаси ва айни пайтда сайловчиларнинг уларга бўлган муносабати ўрганиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир депутат вилоят ҳокимлиги томонидан сайлов қонунчилигига оид ҳужжатлар тўплами ва бошқа тарғибот материаллари билан тўла таъминланган бўлиб, бу қулайлик уларнинг фаолиятида асқотмоқда.

Эътибор беринг, кейинги йилларда юртдошларимиз хориждан келтирилаётган арзон, сифатсиз маҳсулотларни харид қилмай қўйишди. Унинг ўрнига табиий ва фойдали озиқ-овқатни истеъмол қилишни маъқул кўришмоқда. Аҳолидаги бундай нозик дид ва савия, айтиб ўтилганидек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокида ҳам кузатилаётир. Шу маънода, жорий йилнинг охирида ўтказиладиган сайловлар сиёсий партияларни, айни пайтда депутатликка номзодларни яна бир бора жиддий синовдан ўтказиши, шубҳасиз.

Фармон ТОШЕВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши Регламент ва депутатлик одоби масалалари доимий комиссияси раиси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир. Аҳоли саломатлиги, айниқса, оналар ва болалар соғлиғи доимий назоратда бўлиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ОИТСга қарши кураш борасида ягона тизимни шакллантириш, аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли ҳимоя қилиш ва унинг зарурий профилактикасини таъминлашга асос бўлди.

Давра суҳбатида, шунингдек, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаси юзасидан атрофлича фикр билдирилди. Ушбу ҳужжат, депутатлар таъкидлаганидек, айрим соҳа ходимларининг ўз касбий вазифаларига лоқайдлиги натижасида ОИВ инфекциясини юқтирганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланиши заруратига кўра ишлаб чиқилган. Қизғин муҳокама жараёнида иштирокчилар мазкур соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА.

Италиянинг "La nostra gazzeta" ҳафталик журналида Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёларида янги сув иншоотлари қурилиши муаммоларига бағишланган мақола чоп этилди.

СУВ ИНШООТЛАРИ ИТАЛИЯЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Мақолада Саян-Шушенск гидро электр иншоотида яқинда содир бўлган фалокат собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё минтақасида қурилган йирик электр иншоотлари фаолиятининг хавфсизлиги бўйича ҳам хавотир уйғотаётгани қайд этилади.

Хусусан, таъкидланадики, Амударё ва Сирдарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган минтақа мамлакатлари ҳудудлари, биринчи навбатда, Тожикистон ва Қирғизистонда жойлашган Нурек ҳамда Тўхтағул гидро электр иншоотларида юз бериши мумкин бўлган фалокат хавфи остида турибди. Ушбу гидро электр станциялари зилзила эҳтимоли фаол ҳудудларда жойлашган бўлиб, Саян-Шушенск ГЭСи билан деярли бир вақтда қурилган.

Мақолада ўз даврида биринчи навбатда ерларни суғориш учун фойдаланиладиган сув ҳавзалари сифатида қурилган Нурек ва Тўхтағул сув омборлари гидро электр иншоотлари ҳозирги вақтга келиб юқорида айтиб ўтилган давлатлар томонидан ўз энергетика муаммоларини ҳал қилиш мақсадида фаол ишлатилаётганига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада мутахассисларнинг "Мавжуд бўлган реал хавфларга қарши уларга мос чораларни қўллаш талаб этилади", деган фикрлари келтирилади. Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг йирик дарёларида фаолият юритаётган гидро электр иншоотларини комплекс равишда текшириш зарур экани таъкидланади. Мутахассисларнинг фикрича, минтақада мавжуд экологик номутаносиблик трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини янада чуқурлаштиради.

Мақола муаллифлари "Сув иншоотларининг барпо этилиши халқаро меъёрларга қатъий амал қилинган ҳолда, шунингдек янги лойиҳалар мустақил экспертларнинг холисона хулосалари олинганидан сўнг амалга оширилиши керак", деган хулосага келишади.

«Жаҳон» АА.
Рим

ТИББИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазмадан маҳаллий ва хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган айнан шундай юксак сифатли тиббий техника ва жиҳозлар, фармацевтика маҳсулотлари жой олган. Шунингдек, бу ерда мамлакатимиздаги кўплаб тиббий клиникалар, дам олиш ва даволаш масканлари ҳаёти кенг акс эттирилган. Қирқдан зиёд компания иштирок этаётган мазкур кўргазмада Россия, Беларусь, Германия, Италия, Корея, Ҳиндистон, Хитой, Швейцария давлатларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳамда даволаш муассасалари ҳам бор. Борисов номидаги тиббий воситалар заводи (Беларусь), "Motomed Reck" (Германия), "Biomedicare" (Ҳиндистон), "Medical Impeks LLC" (Хитой) каби йирик хорижий компаниялар шулар жумласидандир.

— Фирмамиз замонавий ультратовуш ташхиси аппаратлари, микроскоп, рентгенологик жиҳозлар ҳамда стоматология ускуналарини харидорларга таклиф этмоқда, — дейди пойтахтимиздаги "Шифо-нур-сервис" хусусий фирмаси менежери Иброҳим Мақсудов. — Тиббий муассасалар фаолиятида кенг қўлланиладиган ушбу асбоб-ускуналар беморларга тезкорлик билан аниқ ташхис қўйиш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради. Бугунги кўргазма орқали фирмамиз маҳсулотларининг шу сингари афзалликлари борасида кенг жамоатчиликка маълумот беришга муваффақ бўлмоқдамиз. Қолаверса, кўргазмада кўплаб тиббиёт мутахассислари қатнашаётганлиги боис уларнинг таклиф ва мулоҳазалари, талаб ҳамда эҳтиёжларини ҳам ўрганмоқдамиз.

— Мазкур тадбир ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни юртингиз ҳамда жаҳон миқёсида кенг таниниш имконини бераяпти, — дейди "Motomed Reck" компаниясининг маркетинг бўйича мутахассиси Валдемар Дил. — Биз, асосан, ногиронлар учун таянч-ҳаракат воситалари ҳамда жисмоний машқ бажаришга мўлжалланган инвентарлар, шунингдек, туғуруқхона ва шифохоналар учун тиббий жиҳозлар ишлаб чиқарамиз. Кўргазма экспозицияси билан танишиш мақсадида ташриф буюрганларга маҳсулотларимиз ҳақида батафсил маълумотлар жамланган электрон қўлланмани ҳам тавсия этаяпмиз. Бу кўпчиликни қизиқтираётганлигидан хурсандмиз.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: кўргазма фаолиятидан лавҳа.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА ЖАҲОН ХАРИДОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чиндан ҳам, толани таснифлаш ва сертификатлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли у халқаро пахтани синаш тизимига тобора интеграциялашиб бораётир. Марказ лабораторияси ва вилоятлардаги бўлимлари HVI тизимидаги энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида толанинг узунлиги, пишиқлиги, микронейри, ифлослиги, чўзинчоқлиги каби хусусиятлар тезда аниқланади. Таснифловчи мутахассис эса Ўзбекистон эталонида эътироф этилган стандартлар бўйича толанинг нави ва ундаги камчиликларни белгилаб беради.

Аслида, сертификатлаш жараёни пахта заводининг пресслаш цехидан бошланади. Яъни, бу ерда марказнинг вакиллари пахтанинг ҳар бир тойидан намуна олиб, ҳудудий лабораторияларга жўнатади. Улар яхшилаб қуритилгач, HVI тизими ёрдамида ўлчанади-да, органолептик текширув учун таснифловчига юборилади. Айни пайтда ҳудудий лабораториялар тола намуналарининг бир қисмини Тошкентдаги марказий лабораторияга жўнатади. Бу ерда улар қайтадан синовдан ўтказилади. Мабодо ноаниқликлар вужудга келса, зудлик билан тўғриланади. Синов ва сертификатлаш шу усулда пухта амалга оширилади.

Пахта тойлари бўйича якуний синов натижалари эса "Сифат" марказининг миллий маълумотлар базасида сақланади. Ундан ҳар бир истеъмолчи фойдаланиши мумкин.

Марказ мутахассисларининг эътироф этишларича, бугунги кунда олий ва яхши навли толанинг умумий улуши мамлакатимизда етиштирилаётган жами пахтанинг 78 фоизини ташкил этади. Қувонарлиси, дағал толали пахта навларини экишга йўл қўйилмаётганлиги туфайли асосий сифат кўрсаткичи — микронейр муаммоси тўлиқ бартараф этилди. Айни пайтда жаҳон бозорида талаб этиладиган пахта ҳажмининг 99,8 фоизини олий навли Ўзбекистон пахтаси ташкил этади.

Толамизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари сингари дунёнинг кўплаб давлатларига сотилмоқда. Кейинги йилларда, айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ушбу хом ашёга эҳтиёжи ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Шу кунларда нуфузли тадбирга тайёргарлик ишлари жадал олиб борилаяпти. Тадбир иштирокчилари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар унинг юқори савияда ўтиши, томонлар ўртасида келишув ва битимларга бой бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Европа Иттифоқи комиссияси ҳамкорлигида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасининг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда ана шулар ҳақида гап борди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жамият тараққиётига ҳамоҳанг тарзда чуқурлашаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Шу мақсадда миллий қонунчилигимиз босқичма-босқич такомиллаштирилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг яхлит тизими шакллантирилди.

Анжуманда Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик асосларининг халқаро умумэътироф этилган тамойилларга тўла мос ҳолда яратилгани, адвокатура институтининг чуқур ислоҳ этилгани билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Германиялик халқаро эксперт Хербарт Аминларининг фикрича, Ўзбекистон нафақат фуқаролик ва хўжалик ҳуқуқи соҳасида, балки жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида ҳам Марказий Осиё давлатлари ичида етакчи ўринда туради. Ушбу семинарнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани эса бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Халқаро эксперт Пиер Чарльз Роландо-Лапиера (Франция) Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, айниқса, жиноят қонунчилигини эркинлаштириш борасида тўпланган тажриба, жумладан, ярашув институтини бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам жорий этиш самарали бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари, суд ҳокимияти вакиллари ҳамда ўттизга яқин халқаро экспертлар иштирок этган тадбирда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят процессуал амалиёти соҳасидаги тажрибаси бўйича фикр алмашилди ва бу соҳадаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

ёшларнинг бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшларга аталган билим масканлари тобора чирой очмоқда. Биргина ўтган йили Андижон вилоятида 2 та янги мактаб қурилган бўлса, 142 та ўқув маскани капитал реконструкция қилинди. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида яна 2 та янги мактаб, 13 та касб-ҳунар коллежининг кўркам ва муҳташам биноси ёшлар ихтиёрига топширилди.

Бунёдкор халқимизнинг ёшлар камоли йўлидаги бу каби хайрли туҳфаларини санаб адоғига етолмайсиз. Етти миллиард сўмликдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган Андижон шаҳридаги муаззам "Ёшлар маркази", Пахтаободдаги "Ёшлар боғи", ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг моддий ва ижтимоий фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида қуриб битказилган 4 та кўп қаватли бино, "Келажак овози" ёшлар ташаббуси маркази бошчилигида Андижон шаҳрида бунёд этилган "Ёшлар боғи", "Ёш оила" марказлари шулар жумласидандир.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак: шаҳар ва туман ҳокимликлари, савдо-саноат палатаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармалари ҳамкорлигида бир йилнинг ўзида 50 минг иш ўрни яратилди. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига 11,3 минг иш ўрни ташкил қилинди. Мавжуд корхоналарни модернизациялаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ишлаб чиқариш иншоотларини ишга туширириш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 2 минг нафар йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди. Ёшлар барча соҳаларда бўлгани каби ишлаб чиқаришда етакчи кучга айландилар.

— Ёшликдан санъатга меҳр қўйганим боис мусиқа мактабида таълим олдим, — дейди "Ниҳол" мукофоти совриндори Гулмира Абдулаҳатова. — Шукрки, ўзим қишлоқда яшасам ҳам, мусиқий билим олиш мақсадида олис шаҳарга қатнаганим йўқ. Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари боис маҳалламизга яқин ерда жойлашган мактабда мусиқа сирларидан сабоқ олдим. Сўнг олий ўқув юртида ўқишни давом эттирдим, турли нуфузли кўрик-танловлар, ёшлар фестивалларида иштирок этдим. Бундай тадбирларда овозимни эшитиб, иқтидоримга баҳо берган таниқли санъаткорларнинг дуосини олишга муваффақ бўлдим. Бу мен каби оддий бир қишлоқ қизи учун чинакам бахт ва омаддир.

Бундай истеъдодли ёшлар қаторида Андижон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мадина Орифжонованинг ёш ҳунармандлар республика кўрик-танловидаги муваффақиятини, асакалик Гулсора Эргашеванинг ёш мусаввирлар танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаганлигини, Булоқбошидаги агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нилуфар Бердиқуловнинг "Ёш тадбиркор — элга мададкор" кўрик-танловининг якуний босқичида зафар қучганлигини ва яна кўплаб ёшларимиз ютуқларини қайд этиш жоиз. Шунингдек, ёш спортчилар эришаётган марралар ҳам кўнгилда фахр ҳиссини уйғотади. Бокс бўйича Милан шаҳрида ўтказилган XV жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Баҳодир Султонов, стол тенниси бўйича спорт устаси, ёшлар ўртасида Латвияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин медаль соҳиби, пахтаободлик Элмурод Холиқов, оғир атлетикачилар — Нафиса Асқарова, Муҳтарам Алиева ва бошқа ўнлаб ёшлар юрт шаънини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилдилар.

Конвейердан миллионинчи ўзбек автосини туширириб, иккинчи миллион сари дадил одимлаётган асакалик автомобилсозларнинг асосий қисмини ҳам ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари, вилоятдаги 96 та қўшма корхонада маҳаллий йигит-қизлар тажрибали ишчи-ходимлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаяптилар.

Ҳа, вилоят ёшлари эришаётган ютуқлар кўлами кенг, забт этаётган марралар юксак. Муҳими, улар эртанги кунга қатъий ишонч, юртимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Бу эса истиқлолимиз мустаҳкам, истиқболимиз эса нурафшон бўлишининг кафолатидир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЖАҲОН

24 соат ичида

БМТнинг инсон салоҳияти ривожланиши тўғрисидаги йиллик маърузасида Норвегия яшаш учун энг қулай мамлакат сифатида эътироф этилди.

Яшаш учун энг қулай

Бунда, асосан, ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши, таълим олиш ва ўртача умр кўриш даражаси каби қатор омиллар ҳисобга олинган. Кейинги ўринларда Австралия, Исландия, Канада ва Ирландия давлатлари кўрсатилган.

Қадимий саҳна топилди

Буюк британиялик археологлар Рим шаҳри яқинидаги харобалар орасидан қадимий саҳнани топишган.

Унинг майдони 1600 квадрат метрга тенг. Мутахассисларнинг фикрича, саҳнадан эрамиздан аввалги III асрда гладиаторлар ўртасида жанглар ташкил этиш мақсадида фойдаланилган.

Таъкидлаш керакки, мазкур меросни қидириш ишлари қарийб 140 йил давом этди. Яъни унинг Рим атрофида жойлашганлигини дастлаб 1868 йилда италиялик археолог Рудольфо Ланциани айтиб ўтганди.

Кема қўйиб юборилди

Сомалилик қароқчилар томонидан Туркиянинг бундан уч ой олдин қўлга олинган "Горизонт-1" кемаси маълум миқдордаги гаров пули эвазига қўйиб юборилди.

Бу ҳақда мазкур кемага эгалик қилувчи компаниянинг адвокати маълум қилган. Бироқ маблағ миқдори ошкор этилгани йўқ. Ҳозирда "Горизонт-1" 23 нафар экипаж аъзоси билан Иорданиянинг Акаба портига келтирилган.

Инқироз аломати

Дунё миқёсида биргина жорий йилнинг шу даврига қадар 59 миллион киши ишсиз қолган.

Бу ҳақда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки президенти Роберт Зеллик "Прайм-ТАСС" ахборот агентлигига берган интервьюсида айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иш ўринларининг қисқартирилиши туфайли шундай ҳолат юз берган.

Нобель совриндорлари

Нобель мукофотининг навбатдаги совриндорларидан бир неча нафари маълум бўлди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.



Тиббиёт ва физиология йўналиши бўйича топшириладиган мукофотга АҚШлик уч мутахассис — Элизабет Блэкберн, Кэрол Грайдер, Жек Шостак лойиқ, деб топилди. Физика йўналишида эса хитойлик олим Чарльз Као, америкалик тадқиқотчилар Жорж Смит ҳамда Уильярд Бойл совринга эгалик қилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги ўзаро ишончли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бу, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини ҳамда касаначиликни молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади.

«Микрокредитбанк»:
МИЖОЗ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Бугунги кунда ушбу банк томонидан аҳолига қулай ва бир қатор имтиёзларга эга бўлган талайгина хизматлар кўрсатилаяптики, пировардида унинг мижозлари сони йилдан-йилга эмас, балки ой сайин кўпайиб бормоқда, десак, асло муболаға бўлмайди. Жумладан, хизматларнинг мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши банкнинг Фарғона вилояти филиали фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Буни филиал мижозлари сони жорий йилнинг саккиз ойида 11 666 тага етганлигидан, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 750 тага кўплигидан, олинган соф фойда 92 миллион 150 минг сўмни ташкил этганидан ҳамда бу борадаги режа 141 фоизга уддаланганидан билиш мумкин.

Маълумки, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолияти, асосан, оз миқдордаги кредитни катта яратувчилик ҳамда бунёдкорлик ишларига йўналтиришга, бу орқали аҳолининг кенг қатламини фойдали меҳнатга жалб қилишга қаратилгандир.

Ана шундай мижозлардан бири — вилоятдаги "Фарғона динар савдо плюс" корхонаси. Гап шундаки, мазкур корхона ҳам ўз фаолиятини филиалнинг 2 миллион 800 минг сўмлик микрокредити эвазига йўлга қўйган эди. Эндиликда бу ерда меҳнат қилаётган 15 нафар ишчи томонидан 3503 метр чуқурликдаги ер қаъридан қазиб олиниб, тайёрланаётган чанқовбосди ичимликлар вилоят аҳлига манзур: харидорлар сони эса тобора ортиб бораяпти. Муҳими, маҳсулот учун идишлар ҳам шу ерда ишлаб чиқарилмоқди. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот таннархининг арзонлашишига хизмат қилаётир.

Вилоятдаги "Битхим Фергана" корхонаси ҳам банкнинг 50 миллион сўмлик имтиёзли микролизинг хизматидан унумли фойдаланган тадбиркорлик субъектларидан ҳисобланади. Қувонарлиси, ҳозирда бу ерда меҳнат қилаётганларнинг барчаси ёш йигит-қизлардир. Улар томонидан тайёрланаётган сифатли шампунлар нафақат вилоят бозорларига, балки қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига ҳам етказиб берилаяпти. Корхона жамоаси шу кунларда автомобиль ойналари ва рўзғор буюмлари учун ювиш воситалари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ниятида.

Умуман олганда, филиал жамоаси томонидан жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида тадбиркорлик субъектларига 25 миллиард 123 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу маблағлар иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилаётгани, айниқса, эътиборлидир. Масалан, Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича биргина иссиқхоналар ташкил этиш учун 347 миллион 700 минг сўм миқдорида кредит берилди.

Филиал томонидан, шунингдек, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация сингари хизмат турларини ривожлантириш мақсадидаги тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Таққос учун бир мисол. Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ўтган йили 140 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг олти ойида 1 миллиард 313 миллион сўмдан ошиб кетди. Натижада тадбиркорларимиз чекка-чекка жойлардаги қишлоқлар аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий хизматларни тақдим этишаётир. Айни чоғда улар қишлоқлар қиёфаси замонавийлашишига муносиб ҳисса қўшишаяпти.

Молия муассасаларида

Дарҳақиқат, Фарғона вилоятида бевосита "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда иш юритаётган бундай тадбиркорлар анчагина. Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг хотин-қизлар томонидан бошқарилаётгани эътиборга сазовордир. Шу ўринда банк мижози — "Фарғона гавҳари" хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Исломбекова, "Паробайт Би Плюс" кичик корхонаси раҳбари Шоҳида Нуриддинованинг тадбиркорлик фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин.

Банкнинг тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратган кредит ва кўрсатган лизинг хизматлари эвазига юқоридаги сингари йирик корхоналар қаторида аёлларимизнинг каштачилик, зардўзлик, гиламчилик каби меҳнат турлари билан уйда шуғулланишлари учун ҳам имконият яратилаяпти. Банк томонидан ўтган вақт ичида ушбу мақсадларга 785 миллион сўм миқдорида кредит берилгани шундан далолатдир.

Биламизки, кейинги пайтларда "электрон ҳамён" дея эътироф этилаётган пластик карточкалар муомала воситаси сифатида кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб, улардан фойдаланувчилар ҳам, бу жараённи амалга ошириш учун терминаллар ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам кўпайиб бораётир. Бунда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Филиал жамоасининг ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасида 2009 йилнинг олти ойи ичида корхона ва ташкилотларга 101 дона терминал ўрнатилиб, 2 миллиард 427 миллион сўмлик маблағ пластик карточкалар ҳисоб рақамларига ўтказилди.

Омонатлар, маълумки, молия муассасалари томонидан аҳолига таклиф этиладиган хизмат тури бўлишдан ташқари, банк ва мижоз ўртасидаги ишончни мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Шу маънода, айтиш жоизки, бугунги кунда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан тақдим этилаётган 25 турдаги омонат ўзининг жозибадорлиги ва қатор имтиёзларга эгалиги боис аҳоли орасида тобора оммалашиб бормоқда. Президентимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Банкнинг вилоят филиалида омонатларга саккиз ой ичида 5 миллиард 250 миллион сўм миқдорида маблағ жалб этишга эришилгани бунинг исботидир. Эътиборлиси, ўтган вақт мобайнида ушбу йўналишда ҳам ижобий натижага эришилди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида омонатларга жалб этилган маблағ 3 миллиард 551 миллион сўмни ташкил этган эди, холос.



Яна бир гап. Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари ва касб ўрганишлари, умуман, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ва бу жараён жадал давом эттирилаяпти. Айтиш ўринлики, бундай ишлар, хусусан, Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси туфайли ҳам ўз ечимини топмоқда. Пировардида Фарғона вилоятида ҳам талайгина ишлар бажарилмоқдаки, натижада кўплаб ёш оилалар банк кўмаги туфайли рўзғори учун зарур бўлган мебель ва бошқа уй жиҳозларини харид қилишаётир, тўю ҳашамларини ўтказиб олишаётир.

Айниқса, Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши ва шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар кутилган самарани бермоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, бугун республикамизнинг қайси бир маҳалласи ёки қишлоғида бўлманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш жараёнининг гувоҳига айланасиз. Бунда молия муассасаларининг ҳам ўз сармоя ва хизматлари билан муносиб иштирок этаётгани қувонарлидир. "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти филиали фаолияти бунга далил бўла олади.

Яқинда банк томонидан мижозларга яна бир қулайлик яратилди. Яъни "Микрокредитбанк" пластик карточкалари орқали аҳолига кеча-кундуз хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан (2009 йил 17 августдаги №14485-сонли, ижро ҳужжатига асосан) Ўзбекистон Республикаси МХХ Автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда, «Лексус LS-460L» русумли, д/р М8795 бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 123 146 158 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 10 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 24 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан:

1. (2008 йил 26 декабрдаги 10-0804/14268-сонли ижро ҳужжатига асосан) Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйдаги «Жиҳоз» ОАЖнинг «Б» блок майдони — 378 кв.м. бўлган, 1943 йилда қурилган савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 162 500 000 сўм.

2. (2009 йил 5 январдаги, №10-0814/14878-сонли ижро ҳужжатига асосан) Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уй манзилидаги «Жиҳоз» ОАЖга тегишли, майдони — 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум омборхона биноси («К» блокининг бир қисми) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 % идан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Тел: 228-79-52.
www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 №000004.

Қулайлик

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори, Қашқадарё вилоятида ҳам пластик карточкадан энг қулай ва ишончли тўлов воситаси сифатида кенг фойдаланилмоқда.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМЁН

Жумладан, вилоятда жорий йил бошида тўловларни пластик карточка орқали қабул қилиш терминаллари 1768 та бўлган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 2700 тага етди. 2236 та савдо дўкони, 36 та умумий овқатланиш корхонаси, 105 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, 108 та банк кассаларида тўловлар пластик карточка орқали амалга оширилмоқда. Ана шундай ихчам ва ишончли тўлов воситаларидан фойдаланувчилар сони эса 335 минг нафардан ошиб кетди.

Айтиш лозимки, ҳозирда коммунал хизматлар учун тўловлар, темир йўл ва ҳаво транспорти чиптаси, меҳмонхона ҳақини тўлаш, ҳатто, бозорларда савдо қилиш имконияти юзага келганлиги пластик карточканинг аҳоли ўртасида кенг оммалашишига хизмат қилмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**

Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-дахаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«ASAKA-TRANS-LEASING» ЛК МЧЖ

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

Тошкент шаҳрида махсус лицензия асосида, тижорат мақсадида йўловчилар ташувчи юридик шахсларга

автолизинг хизматларини кўрсатади.

Лизинг объектлари сифатида:
автобуслар, микроавтобуслар ва бошқа йўловчи ташиш транспорти тақдим этилиши мумкин.

Бизга мурожаат қилинг ва сиз лизинг фаолиятининг барча имтиёз ҳамда қулайликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мукимий 1-кўчаси, 9-уй.
Тел.: (+998 71) 120-40-94, Факс: (+998 71) 120-39-53.



Мамлакатимизда истиқлол шарофати туфайли соғлиқни сақлаш тизимида тубдан бурилиш ясалди. Президентимиз ташаббуси билан бугун нафақат шаҳарлар, шу билан бирга, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилиб, улар энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланиб бормоқда.

БЕБАҲО БОЙЛИК

Тиббиёт

Бу эса, ўз навбатида, аҳоли учун қулайлик яратмоқда. Айниқса, туғилажак фарзанднинг саломатлигига эътибор қаратиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётир. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинганини эслашнинг ўзи кифоя. Ушбу қарорлар ижросини таъминлашда тегишли давлат идоралари қатори, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Мазкур қарорларда қайд этилган вазифаларни бажариш учун, аввало, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш талаб этилади. Шу маънода, Бухоро вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлиғини муҳофаза этиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли қарор ҳамда дастур қабул қилинган. Улар ижросини таъминлаш учун махсус жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатаяпти. Бу кенгаш қошида ишчи гуруҳи ҳам тузилди. Гуруҳ аъзолари қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув муассасаларида бўлиб, аҳоли тиббий маданиятини оширишга хизмат қилувчи давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, турли акциялар ўтказишмоқда.

Ана шундай тадбирлар вилоятнинг энг чекка ҳудудлари саналган Кўкча, Оғитма, Жонгелди, Қизилравот, Гугуртли, Чуруқ аҳоли масканларида ҳам ўтказилганини эътироф этиш жоиз. Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирларда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга 20 турдан зиёд дори-дармон, кийим-кечак, шахсий гигиена воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари мурувват ёрдами тариқасида етказиб берилди. 151 оила, 675 нафар фуқаро малакали шифокорлар томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарма томонидан аҳолининг муҳтож қатлами ва тиббиёт муассасаларига 23 хил турдаги дори-дармон ҳамда тиббий анжомлар етказиб берилди. Бундан ташқари, болаларни соғломлаштириш дастурига асосан, вилоят клиник касалхонасида Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти томонидан ажратилган грант маблағлари доирасида туғма лаб-танглай нуқсони бўлган 24 нафар ногирон бола жарроҳлик операциясидан муваффақиятли ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ҳам шу йилнинг ўтган даврида муайян ишлар бажарилди. Чунончи, қарийб икки мингта оила, тўққиз минг нафардан зиёд аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик давомида аҳолига 1 миллион 150 минг сўмликдан зиёд дори-дармон ва бошқа зарур жиҳозлар тарқатилди.

Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва келгусида уларни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказишда жамғарма томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ғоялар ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси", мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Ер куррасида тинчлик", ногирон болалар ўртасида "Мафтункор ранглар олами" кўрик-танловлари ҳамда иқтидорли ёш мусиқачиларнинг "Санъат ғунчалари" кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда мусобақалар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб қолди. Жанубий Кореянинг "K-FIN" халқаро ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ, "Тенг имкониятлар" лойиҳаси амалга оширилди. Шу дастур доирасида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида таҳсил олаётган икки нафар талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Айни пайтда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида "ZEROMAX GmbH" ташкилотининг грант маблағлари доирасида махсус дастур ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа асосида Бухоро шаҳридаги 123-сонли махсус мактаб-интернатига дурадгорлик устахонаси учун 19, тикувчилик устахонаси учун 10 турдаги жиҳозлар ҳамда олтита компьютер етказиб берилди.

Бу мамлакатимизда саломатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган беқиёс ислоҳотларнинг бир қисми, холос. Ҳолбуки, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўрсатмалари, бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ниҳоятда долзарб вазифалар мужассам. Уларни изчил бажариш жамғармамизнинг асосий мақсадидир. Зеро, бойликнинг боши — соғлиқ, деганларидек инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ҳар биримизга туганмас қувонч ҳадя этади.

Мунира САЪДУЛЛАЕВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими директори.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Шу кунларда пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мини-футбол бўйича "Дўстлик кубоги" халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Унда Ўзбекистон, Эрон, Қирғизистон терма жамоалари ҳамда Қозоғистоннинг "Қайрат" клуби ғолиблик учун кураш олиб бораётир.

Бразилиялик мутахассис Сержио Сапо мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувда қирғизистонлик "чарм тўп" усталарига қарши баҳс олиб борди. Ушбу ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Осиёнинг тўққиз карра чемпиони — Эрон терма жамоаси эса Қозоғистоннинг "Қайрат" клубини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи турда Ўзбекистон — "Қайрат", Эрон — Қирғизистон жамоалари беллашди.



КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг йигирма тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мазкур турда ҳам мухлислар қизиқарли ва муросасиз беллашувларнинг гувоҳи бўлишди. Дарвозалар нақ 29 бор ишғол қилингани ҳам бунинг яна бир тасдиғидир.

Андижоннинг "Андижон" жамоаси ўз майдонида Самарқанднинг "Динамо" клубини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу ўйинда мезбонлар ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев икки гол муаллифи бўлди. "Локомотив" — "Навбаҳор" баҳсида ҳам худди шундай натижа қайд этилди — 2:0. Қаршида бўлиб ўтган "Насаф" — "Металлург" учрашувида мезбонлар вакиллари Самандар Шодмонов, Илҳом Шомуродов ҳамда Жасур Бобоев томонидан киритилган голлар ўйин тақдирини ҳал қилди — 3:0.

Турнинг энг кутилмаган натижаси, шубҳасиз, Олмаликда қайд этилди. Кўпчилик мухлису мутахассислар "Олмалиқ" ва "Бунёдкор" беллашувида устунлик, албатта меҳмонлар тарафида бўлишини тахмин қилишганди. Аммо ундай бўлмади. Осиё чемпионлар лигасидан чиқиб кетган пойтахт жамоаси миллий чемпионатимизнинг мазкур турида жиддий қаршиликка дуч келди. Шу куни майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилган Игорь Шквирин шогирдлари Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозани икки бор аниқ нишонга олиб, ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Аммо сўнгги дақиқаларда хотиржамликка берилган майдон эгалари ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлай олишмади. "Қалдирғочлар" аъзоси Сервер Жепаров 85 ва 88-дақиқаларда гол киритиб, клубини мағлубиятдан қутқариб қолди — 2:2. Таъкидлаш жоизки, "Олмалиқ" жорий мавсумда "Бунёдкор"нинг очко йўқотишига сабаб бўлган биринчи жамоага айланди. Чунки пойтахтликлар ҳозиргача ўтказилган йигирма учта турнинг барчасида ғалаба нашидасини суришганди.

Яна бир кутилмаган натижа Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси билан боғлиқ. Ўз майдонида "Нефтчи"ни қабул қилган ғузорликлар номдор рақибларидан 1:0 ҳисобида устун келишди. Энг кўп гол киритилган ўйин эса Бухорода бўлди. "Қизилқум" билан баҳс юритган "Бухоро" жамоаси гарчи рақиб дарвозасини уч бор ишғол қилган бўлса-да, ўз дарвозасидан бешта гол ўтказиб юборди — 3:5.

Осиё чемпионлар лигасида "Ал-Иттиҳод" клубидан мағлубиятга учраган "Пахтакор" эса бор аламини "Сўғдиёна"дан олди. Тошкентдаги ўйинда Виктор Жалилов шогирдлари жиззахликлар дарвозасига 5 та гол йўллашди. Меҳмонлар эса бунга битта тўп билан жавоб қайтара олишди, холос. "Хоразм" — "Машъал" баҳсида эса 2:1 ҳисобида майдон эгалари зафар қучди.

24-турдан сўнг 70 очко жамғарган "Бунёдкор" клуби турнир жадвалида ҳамон карвонбошилик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи поғоналарда "Пахтакор" (53 очко) ва "Насаф" (43 очко) бормоқда. Жадвалнинг қуйи қисмидан "Металлург" ҳамда "Бухоро" клуби жой эгаллаган. Шунингдек, 21 тадан очко тўплаган "Сўғдиёна" ва "Машъал" жамоасининг аҳволини ҳам яхши, деб бўлмайди.

Тўпурарлар рўйхатида "Бунёдкор" сардори Ривалдо 19 гол билан етакчилик қилмоқда. "Пахтакор" аъзоси Одил Аҳмедов ва "Бунёдкор"нинг яна икки футболчиси — Хосе-Луис Вильянуэва ҳамда Анвар Солиев рақиблар дарвозасига 12 тадан тўп киритишган.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ИҚТИДОРЛИЛАР ЭЪТИБОРДА

Ёш авлод камолотида санъатнинг аҳамияти беқиёс. Негаки, маънавий юксалиш, яъни кўнгил ва руҳият тарбиясида санъатнинг ҳар бир тури, ҳар бир йўналиши ўзига хос ўрин тутади. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда бу соҳани тараққий эттиришга катта эътибор қаратилаяпти. Иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Дил сўзи

Албатта, ёшларга мусиқа сирларини ўргатиш, уларни санъат оламига олиб киришда тажрибали ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати билангина кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун қулай шароит, моддий-техник воситалар зарур. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2011 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида бу борада вилоятимизда бўлганидек, бизнинг билим даргоҳимизда эзгу ишлар бошлаб юборилган. Дастурга мувофиқ, 2010 йилда мактабимиз замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги бинога кўчиб ўтади. Бунинг учун туман марказидаги маданият саройининг муҳташам биноси танланди. Айни кунда қайта таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланган. Янги мактабда ўқув хоналаридан ташқари, катта концерт зали ҳам бўлади. Унда ўқувчиларимиз иштирокида байрам тадбирлари, концертлар ташкил қилиш учун ҳам шароитлар яратилиши кўзда тутилган.

Шуни фахр билан айтишимиз мумкинки, ҳеч бир даврда миллий санъатимиз ривожига бугунгидек улкан эътибор қаратилмаган. Юртбошимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлигидан руҳланиб, янада масъулият ва талабчанлик билан меҳнат қилмоқдамиз. Ҳозир мактабимизда 90 нафар сара истеъдод ва иқтидор соҳиби таҳсил олаётган бўлса, келгусида бундай умидли ёшлар сафи янада кенгайишига ишончимиз комил. Ўйлаймизки, истиқболда улар орасидан, албатта, миллий мусиқа санъатимиз довруғини дунёга ёйишга қодир кўплаб мусиқачилар, бастакорлар етишиб чиқади.

Исмоил ТОШЕВ,
Касби туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, «Дўстлик» ордени соҳиби.

Самарқанд шаҳрида Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Ҳуқуқ билимдонлари" танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёш ҳуқуқшунослар беллашди

Унда ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Тошкент шаҳри вакиллари ва самарқандлик ёш ҳуқуқшунослар жамоалари иштирок этди. Қизғин ва муросасиз ўтган беллашувларда коллеж ҳамда лицей ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимизга доир билимларини турли шартлар асосида намойиш қилдилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов якунига кўра, ғолиблик Самарқанднинг "Фемида" ва Наманганнинг "Ёш сенаторлар" жамоаларига насиб этди. Кейинги ўринларни Тошкент шаҳрининг "Ёш ҳуқуқшунослар" ва Бухоронинг "Ифтихор" жамоалари эгаллади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

ютуқли омонат (депозит) сертификати бўйича 2009 йил 30 сентябрда Фарғона шаҳрида ўтказилган II-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

№	Сертификат рақами	Ютуқ миқдори (сўм)
1	0012832	10000
2	0028500	10000
3	0033662	15000
4	0037281	10000
5	0049935	20000
6	0063649	50000
7	0072808	10000
8	0079126	100000
9	0079197	20000
10	0080820	2000000
11	0085364	15000
12	0096398	100000
13	0101646	50000
14	0145460	10000
15	0168126	10000
16	0169446	500000
17	0169812	10000
18	0175370	10000
19	0177237	25000
20	0187070	250000
21	0195424	15000
22	0219530	100000
23	0273373	5000000
24	0278315	15000
25	0282109	10000
26	0283645	15000
27	0295110	100000
28	0300058	10000
29	0313307	25000
30	0353538	10000
31	0358079	25000
32	0363428	100000
33	0397072	10000
34	0423601	2000000
35	0445261	250000
36	0460592	250000
37	0471645	250000
38	0479044	15000
39	0481742	15000
40	0484565	10000
41	0499377	10000
42	0523412	10000
43	0542335	15000
44	0562568	25000
45	0596580	20000
46	0611473	50000
47	0624327	500000
48	0625271	500000
49	0627851	10000
50	0634556	10000
51	0656384	10000
52	0658873	15000
53	0662740	10000
54	0679471	20000
55	0690851	15000
56	0715479	10000
57	0744627	10000
58	0754528	15000
59	0758102	20000
60	0766414	10000
61	0779999	100000
62	0783276	15000
63	0787872	10000
64	0833675	10000
65	0835077	15000
66	0858007	10000
67	0858049	15000
68	0859860	100000
69	0868976	15000
70	0872191	10000
71	0902616	10000
72	0905234	20000
73	0917033	1000000
74	0919443	10000
75	0948165	15000
76	0950583	50000
77	0961430	15000
78	0961545	10000
79	0963199	25000
80	0966018	10000
81	0977850	20000
82	0997626	20000
83	1014062	25000
84	1039300	10000
85	1039823	50000
86	1041023	10000
87	1083172	100000
88	1084775	10000
89	1115656	1000000
90	1131570	15000
91	1135920	15000
92	1139236	500000
93	1166050	10000
94	1172137	500000
95	1185747	10000
96	1189796	10000
97	1195373	50000
98	1205359	25000
99	1267651	10000
100	1274943	20000
101	1281364	20000
102	1287435	20000
103	1292809	10000
104	1325295	10000
105	1329493	250000
106	1337816	50000
107	1342081	20000
108	1342595	15000
109	1355371	10000
110	1370937	10000
111	1372437	10000
112	1374658	20000
113	1375572	10000
114	1384526	250000
115	1404758	10000
116	1414777	10000
117	1422618	50000
118	1422699	15000
119	1424289	25000
120	1427584	15000
121	1433447	20000
122	1436041	10000
123	1446696	20000
124	1451509	15000
125	1452729	25000
126	1506566	15000
127	1512446	10000
128	1517523	15000
129	1524743	50000
130	1530230	25000
131	1535051	10000
132	1538092	10000
133	1577866	1000000
134	1585159	10000
135	1588384	50000

Изоҳ: шунингдек, ютуқли омонат (депозит) сертификати бўйича 8255 та 5 000 сўмлик ютуқлар ўйналиб, омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг ютуқли омонат (депозит) сертификати сотиб олинган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳайъат раиси — **О. Т. Джуманов**
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Масъул котиб — **М. Ж. Саидов**
Халқ банки Бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари

10678/1474

ОБ-ҲАВО

(7 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 13-15, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.05 1 2 3 5